

**Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази  
Ахборот-библиография бўлими**



**Шеъроятга кўчган шахсият  
Шавкат Раҳмон таваллудининг 65 йиллигига**

**ЭСЛАТМА**

**Фарғона - 2015**

**Шавкат Раҳмон** 20-аср ўзбек адабиётининг забардаст намоёндаларидан биридир. Унинг шеърляти – ўлмас шеърятдир. Бу шеърят инсон юрагини ҳар галларзага солиб юборади, ақлини шоширади, ўйлашга ундайди.

Шоир ижоди билан илк бора танишаётган китобхон ўқиш чоғида сезгилари нозиклашиб, туйғулари ўткирлашиб, тевараги, одамларга воқеа-ҳодисаларга қарашлари теранлашиб бораётганини ҳис этади.

Истеъдодли ижодкорлир орасида Шавкат Раҳмоннинг ўз сўзи, овози ҳалигача жаранглаб туради. **У 1950 йил 12 сентябрда Ўш вилояти Қорасув туманида** хизматчи оиласида туғилган. 1966 йилда Ўшда ўрта мактабни тугатгач, қурилишларда, босмаҳона ва вилоят рўзномаларида ишлайди. **1973 йилда Москвадаги М. Горкий номидаги Адабиёт институтини битирди.** Шоирнинг дастлабки шеърляри Ўш вилояти рўзномаларида чиқа бошлади. Биринчи шеърй тўплами **“Рангли лаҳзалар”** (1978) номи билан босилди. Шундан кейин шоирнинг **“Юрак қирралари”**(1984) **“Ўйғоқ тоғлар”** (1986) **“Хулво”**(1988) каби бир қатор шеърй тўпламляри босилиб чиқди. Унинг асарлярида тарихга, ўтмишга саёҳат, ҳозирги кунларга танқидий баҳо етакчилик қилади. Шавкат Раҳмон шеърляти **80-йилларда ўзбек адабиётида** кучли оқимни ташкил этган жуфт фалсафий, исёнкорлик руҳидаги асарлар сирасига киради.





20-асрнинг ўзбек шеъриятида мустаҳкам қоядек савлат тўкиб турган, ватанпарвар, юрт куйчиси, қисқа умр давомида халқнинг юрагидан чуқур жой олиб улгурган, севимли шоир – Шавкат Раҳмон бугун орамизда йўқ. Аммо забардаст шоиримиз ҳамон инсонлар қалбида

яшайпти, эъзозланиб келиняпти. Шавкат Раҳмон жуда қисқа умр кўрди. Шу қисқа умри давомида шеъриятда ўзига хос услубда ижод қилди. Унинг шеърларида асосан Ватан мадҳи куйланган. Инсоннинг ички кечинмалари ниҳоятда халқчил, содда кўринишда мисраларга кўчган. Шоир шеърлари ўқувчини бир зумда ўзига ром этади, ортидан эргаштиради. Шавкат Раҳмоннинг шеърий тўпламлари – “Рангин лаҳзалар”, “Очик кунлар”, “Гуллаётган тош”. Булар анча ихчам, аммо нашр этилган пайтлари жиддий адабий ҳодиса сифатида баҳоланган китоблардир. 1986 йили босилган “Уйғоқ тоғлар” тўплами ўша йилларда ҳақиқатпараст шеърият мухлисларининг қўлидан тушмади. Кундан-кунга ушбу китобни мутоалаа қилувчилар сони тобора кўпайиб борди. Шавкат Раҳмон шеърларининг шайдолари ҳажми анча катта.

Шоир ўз шеърларида, ўзи яшар, ўзи кулар, ўзи йиғларди. “Уйғоқ Тоғлар” лирик шеърий тўпамидан мана бу сатрларга кўз югуртираимиз:

Саҳар турдим, куёшни кутдим,  
Шудрингларда ювдим юзимни,  
Булоқларга лабимни тутдим  
Ва борликда кўрдим ўзимни.  
Кўзларимдан тошди сурурим,  
Тўлиб кетди бағримга наво,

Абадийдай туюлди умрим,  
Абадийдай туюлди дунё.

Шоир лирик қаҳрамони мўъжизаларга тўла дунёни бор гўзаллиги билан ўзига сингдирар экан, ундан умрбоқийлик туяда. Дунёнинг мангулиги туганмас куйдек некбин орзулар оламига уни ошно этади. Айни кечинмалар Х. Даврон, У. Азим ва бошқа шоирлар шеърларининг ҳам мавзундарижасини ташкил этарди. Сир тўла дунёнинг шеърга эврилиши бу авлод шоирлари ижодини илк даврида она табиатнинг гўзаллиги-ю бахтли болаликнинг орзулари оламидан олинган беқиёс тимсоллар воситасида куйланишида ёрқин кўринади.

Шавкат Раҳмон шоир элнинг, Ватаннинг виждони, имони бўлиши кераклигини таъкидлайди. Зеро унинг ўзи шундай покиза виждон соҳиби эди.

Покиза кўринган не-не дастлардан  
Паррон бир ёғдуда ёлқинланди қон.  
Бу қандай кун ўзи,  
қандай кун ўзи,  
жой-жойига қўяр ҳамма нарсани,  
қай бир мунофиқнинг ўйнатиб кўзин,  
бир неча юзига тортар тарсаки.

Фариштадек хизмат қилганларнинг ҳам – борлиғидаги қон ташқарига сизиб чиқиб, ёғдудек сачраб, “вайрона” га айланганига ишора қилади. Ишораки, “ҳамма нарса” жумладан, оқибат ва виждон, диёнат ва садоқат каби ўлмас инсоний фазилатлар ўз ўрнида туришини кузатади, гувоҳ бўлади. Уни яна қисматдошидан ўзини истаган жавобни эшитмоқ илинжида сўрайди: “Қандай кун ўзи”

Шеър сатрдан-сатрга теранлашиб, ўзига хос оҳанг касб эта боради. Шоирнинг қалб нидолари китобхонни ўзига

махлиё этганича изидан эргаштиради, шу биргина “қандай кун ўзи” деган ҳайқириғи билан қалбимизга сингиб кетади.

Баъзан шоирни умидсизликни кўпроқ куйлаган, барча мақсадларни умидсизлик ичига олиб кирган, деган асоссиз гап-сўзлар юради. Аслида шоир “дунёдан озурда бўлма” деб ўзини-ю ўзгаларни ёруғ кунларга, умидларга, нурли келажакка чорлайди. “Бу элнинг каттакон кунлари кўп”лигига ишонади, ишонтиради.

Шавкат Раҳмон ўз шеърий тўпламларида Вақт ва Давр, Ватан ва Она, муҳаббат мавзуларидан кенг фойдаланган. Лирик фалсафий шеърлари “Уйғоқ тоғлар” мажмуасига сараланиб олинган. Шоирнинг ҳар бир мисралари китобхон қалбига кириб бориб, инсонни комилликка, фидойиликка, ватанпарварликка, юртпарваликка чорлайди ва ҳаёти давомида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат килади. Биз бугунги кунда барча ёшларимизга Шавкат Раҳмон шеърларидан маънавий рух, ўзига маънавий озуқа олишларига ишонамиз ва шоир шеърларини севиб мутоалаа қилишларига ҳеч шубҳа қилмаймиз. Шоир Шавкат Раҳмон доимо ўзбек халқининг қалбида абадий яшайди!

## **Фойдаланилган адабиётлар**

Норов О. Миллат куйчиси //Ёшлик. – 2014. - №12. Б. 49.

Муллахўжаева Р. XX аср ўзбек шеъриятида Ватан тимсоли //Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. №3. Б. 45-50.

Рауфхон Н. М. Шеъриятга кўчган шахсият //Шарқ юлдузи. – 2011. – №4. – Б. 170-174.

Тузувчи:

Исломқулова У.